

УЧУВЧИСИЗ УЧАДИГАН АППАРАТЛАРДАН ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА Фойдаланишнинг Самараси

Туракулов Зоҳид Тулкинович

*Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги
университети тингловчиси, подполковник*

Аннотация: мақолада Ўзбекистонда профилактика инспекторлари томонидан учувчисиз учиш аппаратлари (дронлар)дан фойдаланиш амалиёти ҳамда унинг ҳуқуқий, техник ва ахлоқий жиҳатлари атрофлича ўрганилади. Дронлар жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва криминоген вазиятларни мониторинг қилишда самарали восита сифатида қўлланилаётгани ёритиб берилди. Шу билан бирга, мақолада мазкур технологиядан фойдаланишнинг норматив-ҳуқуқий асослари, техник ва амалий тайёргарлик масалалари, парвозларни режалаштириш тартиби, мақсадли қўлланиш йўналишлари, тақиқланган ҳолатлар ҳамда ахборотларни сақлаш муддатлари таҳлил қилинади.

Аннотация: В данной статье подробно рассматривается практика использования беспилотных летательных аппаратов (дронов) профилактическими инспекторами в Узбекистане, а также анализируются её правовые, технические и этические аспекты. Показано, что дроны применяются в качестве эффективного средства для обеспечения общественной безопасности, предупреждения правонарушений и мониторинга криминогенной обстановки.

Кроме того, в статье анализируются нормативно-правовые основы использования данной технологии, вопросы технической и практической подготовки, порядок планирования полётов, направления целевого применения, случаи запрета, а также сроки хранения информации.

Annotation: This article provides a detailed examination of the practice of using unmanned aerial vehicles (drones) by preventive inspectors in Uzbekistan, and analyzes its legal, technical, and ethical aspects. It highlights that drones are used as an effective tool for ensuring public safety, preventing offenses, and monitoring the criminogenic situation.

In addition, the article analyzes the regulatory and legal framework for the use of this technology, issues of technical and practical training, flight planning procedures, areas of targeted application, prohibited cases, as well as data retention periods.

Калит сўзлар: дронлар, профилактика инспектори, жамоат хавфсизлиги, ҳуқуқбузарлик, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси.

Ключевые слова: дроны, инспектор профилактики, общественная безопасность, правонарушение, профилактика правонарушений.

Keywords: drones, prevention inspector, public safety, offense, prevention of offenses.

КИРИШ

Ҳозирги вақтда учувчисиз учиш аппаратлари (дронлар) жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда самарали восита сифатида кенг қўлланилмоқда. Дронлар ёрдамида оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойлар, аҳоли гавжум ҳудудлар ва криминоген зоналар мунтазам равишда кузатиб борилади. Шу билан бирга, дронлардан фойдаланиш жараёнида белгиланган ҳуқуқий ва техник талабларга риоя этмаслик шахсларни қонунчиликда назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилишига олиб келиши мумкин.

Ўзбекистонда дронлардан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари ва тартиблари 2022 ва 2025 йилларда қабул қилинган Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, шунингдек, Ички ишлар ҳамда Мудофаа вазирликларининг тегишли йўриқномаларида мустақамланган. Ушбу ҳужжатлар дронлардан қонунчилик, техник ва хавфсизлик талабларига мувофиқ фойдаланишни таъминлашга хизмат қилади.

Дрондан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида учувчисиз учадиган аппаратлардан фойдаланишни тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 15 ноябрдаги 658-сон қарор¹;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашишда учувчисиз учадиган аппаратлардан кенг фойдаланишни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 14 январдаги 13-сон* қарор;

Ички ишлар вазирлиги ва Мудофаа вазирлигининг Ҳаво ҳужумидан Мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучларининг “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг учувчисиз учиш аппаратларида парвозларни амалга ошириш учун самовий ҳудуддан фойдаланиш бўйича йўриқнома”лар профилактика инспекторлари томонидан дронлардан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари бўлиб ҳисобланади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида учувчисиз учадиган аппаратлардан фойдаланишни тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 15 ноябрдаги 658-сон қарори. <https://lex.uz/uz/docs/6284990?ONDATE=18.01.2025%2000>.

Учувчисиз учадиган аппаратларни (дронлар) фойдаланиш мақсадларига кўра икки гуруҳга ажратишимиз мумкин.

Кўп мақсадли дронлар: патрул, кузатув ва кидирув-кутқарув операцияларида бирламчи фойдаланишда қўлланиладиган дронлар;

Ихтисослашган дронлар: муайян вазифалар учун камералар, инфрақизил сенсорлар ёки бошқа мураккаб тизимлар билан жиҳозланган дронлардир.

Дронларни бошқаришда тайёргарлик босқичида қуйидагиларга эътибор бериш керак:

Дрон ва унинг аксессуарлари созлигини текшириш;

Тўлиқ қувватланганлигини тасдиқлаш;

Дроннинг камераси ва сенсорларининг созлигини текшириш;

Об-ҳаво шароитини, шамол тезлиги ва атроф-муҳитни баҳолаш.

Дронларни бошқаришда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш талаб қилинади:

Дронларни учиришдан олдин хавфсизлик чораларини кўриш;

Парвозларни очиқ майдондан бошлаш;

Фавқулодда ҳолатларда дронни хавфсиз қўндириш усулларини билиш;

Дрон сигналларининг узилиши ёки техник муаммолар юзага келганда, зудлик билан хавфсизлик чораларини олдиндан инбатга олиши.

Дронлардан фойдаланишни режалаштиришда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш талаб қилинади:

режали парвозларни амалга ошириш учун ҳаво ҳудудидан фойдаланиш бўйича парвоз режалаштирилган санадан бир кун олдин соат 14:00 га қадар Мудофаа вазирлигининг Ҳаво Ҳужумидан Мудофаа Қўшинлари ва Ҳарбий Ҳаво Кучларига буюртманома тақдим этилади;

режадан ташқари парвозларни амалга ошириш зарурияти юзага келганда ҳаво ҳудудидан фойдаланиш бўйича буюртманома дарҳол Бош марказ навбатчи сменасига етказилади;

навбатчи сменаси томонидан парвозларни амалга ошириш учун рухсат берилганидан сўнг парвозлар амалга оширилади.

Дронлардан мақсадли фойдаланишда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш талаб қилинади:

Профилактика инспекторлари томонидан дронлардан қуйидаги мақсадларда фойдаланишга рухсат этилади:

оммавий тадбирлар, умумхалқ байрамлари ва халқ сайллари, маданий-маърифий тадбирлар жараёнида;

ҳуқуқбузарлик содир этганликда шубҳа уйғотган шахслар кузатувида;

криминоген вазиятни, оғир ва ҳуқуқбузарлик мунтазам содир этилаётган ҳудудларни назорат қилишда;

аҳоли кўп тўпланадиган умумий овқатланиш жойларини ва кўнгилочар масканларни, истироҳат боғлари ва йирик бозорлар ҳудудини кузатишда;
 ҳуқуқбузарлик содир этганликда шубҳа уйғотган шахсларни кузатишда;
 профилактик ҳисобга олинган ва махсус назорат ўрнатилган шахсларни кузатишда;

оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларига асосан ҳуқуқбузарликда гумонланган шахслар ва жойларни кузатишда;

пробация назоратидаги шахсларни кузатишда;

жазони ўташдан бўйин товлаб қидирувда бўлган шахсларни аниқлаш ва ушлаш жараёнида;

пробация назоратидаги шахсларнинг суд томонидан белгиланган тақиқларга (чекловларга) ва мажбуриятларга риоя этишини текширишда;

тақиқланган экинларни етиштириш ҳолатларини аниқлашда;

ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва далилларни тўплашда.

Қуйидаги ҳолларда дронлардан фойдаланиш тақиқланади:

учувчисиз учадиган аппаратлардан фойдаланиш ва уни бошқариш бўйича махсус тайёргарликдан ўтмаган ва тегишли сертификатга эга бўлмаган ходимлар томонидан парвозларни ташкил этиш;

ҳаво ҳудудидан фойдаланишнинг ягона бошқарув тизимининг рухсати бўлмаганда ёки учувчисиз учадиган аппаратлар учиши тақиқланган ҳудудларда парвозларни ташкил этиш;

жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жинойтчиликка қарши курашиш фаолияти билан боғлиқ бўлмаган вазифаларни бажаришда;

ўта муҳим, режимли ва ҳарбий объектлар, қурол-аслаҳа ва ҳарбий техника атрофида 500 метр масофадан яқин ҳудудда;

Аэродром (Аэропорт) жойлашган ҳудуд марказидан 5 км ва учиш-қўниш йўлакларига кенглиги 2 км бўлган ҳудудларда Аэродром парвозлар раҳбари рухсатисиз парвозларини амалга ошириш;

ажратилган ҳаво ҳудуди ташқарида парвозларни амалга ошириш;

жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жинойтчиликка қарши курашиш фаолиятига алоқаси бўлмаган объектга доир маълумотларни фото ва видео тасвирга олиш, тўплаш, кузатиш ёки ушбу тасвирларни тарқатиш.

Дронларнинг парвози вақтида тасвирга олинган фото ва видео маълумотлар қуйидаги муддатларда сақланади:

жинойтлар бўйича маълумотлар – 3 йил;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва назорат текширув тадбирлари бўйича маълумотлар – 1 йил;

жиноят ва ҳуқуқбузарликлар аломатларини ўз ичига олмаган бошқа ҳолатлар бўйича маълумотлар – 1 ой, сўров асосида сақлаш муддати – 3 ой.

Учувчисиз учуш аппаратларидан ноқонуний фойдаланишнинг ҳуқуқий оқибатлари:

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 185⁴-моддасига кўра: Учувчисиз учадиган аппаратларни қонунга хилоф равишда олиб кириш, ўтказиш, олиш, сақлаш ёки улардан фойдаланиш:

Учувчисиз учадиган аппаратларни, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмларини қонунга хилоф равишда олиб кириш, ўтказиш, олиш, сақлаш ёки улардан фойдаланиш

учувчисиз учадиган аппаратларни, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмларини мусодара қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг 244⁴-моддасига кўра: Учувчисиз учадиган аппаратларни қонунга хилоф равишда олиб кириш, ўтказиш, олиш, сақлаш ёки улардан фойдаланиш

Учувчисиз учадиган аппаратларни, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмларини қонунга хилоф равишда олиб кириш, ўтказиш, олиш, сақлаш ёки улардан фойдаланиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан элик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Шунингдек, 248¹-моддасига кўра: Учувчисиз учадиган аппаратларни сақлаш ва улардан фойдаланиш тартибини бузиш Учувчисиз учадиган аппаратларни сақлаш, улардан фойдаланиш ёки уларни бошқа шахсларга бериш тартибини бузиш, шунингдек улардан бошқа мақсадларда фойдаланиш,

уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгилаб қўйилган.

Хулоса

Ҳозирги замонавий жамиятда хавфсизлик тизимларини рақамлаштириш ва интеллектуал технологияларни жорий этиш жамоат тартибини таъминлашнинг муҳим ва ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Бундай шароитда дронлар профилактика инспекторлари фаолиятида самарали назорат ўрнатиш ва тезкор мониторингни амалга оширишда муҳим восита сифатида катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикасида дронлардан фойдаланишга доир қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йилдаги 658-сон ва 2025 йилдаги 13-сон қарорлари, шунингдек, ИИВ ҳамда Мудофаа вазирлиги йўриқномалари) ушбу соҳада ягона ҳуқуқий базани шакллантириб, учувчисиз учуш аппаратларидан хавфсиз ва мақсадга мувофиқ фойдаланишни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, дронлар ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш ва жамоат тартибини назорат қилишда анъанавий усулларга нисбатан бир қатор устунликларга эга. Жумладан:

- кенг ҳудудларни қисқа вақт ичида кузатиш имконияти туфайли вақт ва ресурслар тежаллади;
- реал вақтда маълумот тўплаш имконияти тезкор ва самарали қарор қабул қилишни енгиллаштиради;
- хавфли ҳудудларга кирмасдан туриб вазиятни назорат қилиш орқали ходимлар хавфсизлиги таъминланади.

Бундан ташқари, дронларнинг техник имкониятларини кенгайтириш ва уларни қўллаш соҳасини ривожлантириш жамоат хавфсизлиги тизимини янги босқичга олиб чиқиши мумкин. Масалан, интеллектуал видеотаҳлил, юзни аниқлаш ва рақамли хариталаш каби технологияларни интеграция қилиш орқали “ақлли назорат тизими”ни яратиш имконияти мавжуд.

Хулоса сифатида таъкидлаш мумкинки, дронлар ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида инновацион ёндашувларни шакллантирмоқда. Уларни қўллаш профилактика инспекторлари фаолияти самарадорлигини ошириш билан бирга, мамлакатда хавфсиз ва шаффоф ҳуқуқ-тартибот муҳитини барпо этишга хизмат қилади. Шу боис, келгусида дрон технологияларини ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимига кенг жорий этиш, уларни илмий жиҳатдан такомиллаштириш ва ҳуқуқий кафолатларни янада мустаҳкамлаш давлат хавфсизлик сиёсатида устувор йўналишлардан бири бўлиб қолиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - Т 2023 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида учувчисиз учадиган аппаратлардан фойдаланишни тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 15 ноябрдаги 658-сон қарор.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашишда учувчисиз

учадиган аппаратлардан кенг фойдаланишни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 14 январдаги 13-сон қарор.

4. I. Clarke & L. Moses. The Regulation of Civil Drones’ Uses. *Computer Law & Security Review*, 2014, 30(3), 263–285.

5. FAA. Unmanned Aircraft Systems (UAS) Operations Guidance. Federal Aviation Administration. Washington, D.C., 2021.

6. Ички ишлар вазирлиги ва Мудофаа вазирлиги йўриқномаси “Учувчисиз учадиган аппаратларда парвозларни амалга ошириш тартиби”, 2022.

7. R. Clarke. Understanding the Impact of Drones on Public Safety and Privacy. *IEEE Technology and Society Magazine*, 2020, 39(2), 28–37.

8. A. Austin. Unmanned Aircraft Systems: UAVS Design, Development and Deployment. CRC Press, 2010.